

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

Ўзбекистон Республикаси  
Акциядорлик тижорат Халқ банки  
Кенгаши қарори билан  
Халқ банки Бошқарув Раиси



А.Н. Абдуллаев

2018 йил "13" ноябр даги

36 - сонли баённома

М.Ў.

**«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари



Т.А. Ишметов

2018 йил "29" ноябр

DS-19-0266 - сон билан  
рўйхатга олинган

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг  
юридик шахслар учун депозит сертификатлари (V - чиқарилиш)ни  
чиқариш, муомалада бўлиш ва сўндириш**

**ШАРТЛАРИ**

Мазкур шартлар Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда "Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 1859, 24.09.2008 й.) мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у банк томонидан юридик шахслар учун депозит сертификатларни чиқариш, муомалада бўлиш ва сўндириш тартибини белгилайди.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Акциядорлик тижорат Халқ банкининг (кейинги ўринларда банк) депозит сертификати (кейинги ўринларда – сертификат) – банкка қўйилган депозит суммасини ва юридик шахснинг (сертификат сақловчининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоздир;

цессия - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш;

цедент - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечаётган томон;

цессионарий - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини олаётган томон.

2. Сертификатлар бланкалар тарзида ҳужжатли шаклда чиқарилади.

3. Сертификатлар олди-сотди, ҳадя қилиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек гаровда битим объекти бўлиши мумкин.

Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас.

4. Сертификатларнинг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилади.

5. Сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

6. Мазкур сертификатга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган "Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом ҳамда банкнинг "Ахборот сиёсати тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ ошкор қилинади.

7. Сертификатлар 181 кундан 1095 кунгача бўлган муддатга чиқарилади.

## II. СЕРТИФИКАТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ОИД ТАЛАБЛАР

8. Сертификатни расмийлаштиришда қуйидаги мажбурий реквизитлар акс эттирилган бўлиши шарт (1-5 иловалар):

- а) "депозит сертификати" деган ном;
- б) сертификат рақами ва серияси;
- в) депозит қўйилган сана;
- г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;
- д) сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);
- е) банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;
- ж) депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;
- з) тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);
- и) банкнинг номи, жойлашган манзили;
- к) сертификатда омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;
- л) банк томонидан сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари.

Сертификатнинг матнида юқорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири кўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

9. Сертификатда цессия сертификат бланкасининг орқа томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун қўшимча варақлар талаб этилса, унда сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сақловчисининг талаби билан банк томонидан расмийлаштирилади.

Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш ҳуқуқи берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк филиали муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

10. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари (бундан буён матнда чиқарилиш шартлари деб юритилади), шу жумладан цессияни расмийлаштириш ҳамда сертификат йўқотилганда уни қайта тиклаш тартиби акс эттирилган бўлиши лозим.

11. Сертификат бланкаси банк томонидан қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерда) тўлдирилади. Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек номиналнинг сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш жойлар икки параллел чизиқ тортиш йўли билан тўлдириб қўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади.

12. Сертификатда имзо ва банк муҳрларини босмаҳона усулида қўйиш тақиқланади.



13. Сертификатни беришда банк депозит сертификат корешогидаги барча реквизитларни тўлдиради. Депозит сертификат корешоги сертификат эгаси ёки унинг қонун ҳужжатларига биноан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган ваколатли шахси томонидан имзоланади, сертификатдан ажратилади ва ишончнома депозит сертификат корешоги билан бирга банкда сақланади.

14. Банк томонидан сертификатни тўлдиришда тузатиш ва ўчиришларга йўл қўйилмайди.

15. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тўлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

16. Сертификатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб 3 (уч) йил мобайнида жойлаштирилади.

17. Сертификат бланкалари, шунингдек сертификатларга қўшимча варақлар (иловалар) қимматли қоғозларни ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган корхоналар томонидан "Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 1312, 2004 йил 17 февраль) талабларига мувофиқ тайёрланади.

18. "Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 2833, 11.10.2016 й.) талабларига мувофиқ юридик шахсларнинг идентификация маълумотлари банк ходими томонидан белгиланган тартибда текширилади.

### III. СЕРТИФИКАТЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

19. Сертификатларни жойлаштиришдан олдин юридик шахс (омонатчи) ушбу шартлар билан таништирилиши шарт.

Депозит сертификат олиш бўйича шартнома тузилгандан сўнг, юридик шахс (омонатчи) унда кўрсатилган пул маблағларини банкнинг белгиланган ҳисобварағига ўтказиши керак. Сертификатлар, омонатчи томонидан ҳисобвараққа пул маблағлари ўтказилгандан сўнг, ўттиз иш куни ичида омонатчига берилади.

Банк сертификатлар эгалари реестрини доимий равишда олиб боради. Сертификат юридик шахс вакилига ишончнома асосида берилади.

20. Сертификатлар жами 100 000 000 000 (бир юз миллиард) сўм миқдорида ва қуйидаги қийматларда чиқарилади:

Қиймати	Дона	Умумий ҳажми
50 000 000 (эллик миллион)	100 (бир юз)	5 000 000 000
100 000 000 (бир юз миллион)	100 (бир юз)	10 000 000 000
500 000 000 (беш юз миллион)	100 (бир юз)	50 000 000 000
1 000 000 000 (бир миллиард)	35 (ўттиз беш)	35 000 000 000
<b>Жами</b>	<b>335 (уч юз ўттиз беш)</b>	<b>100 000 000 000</b>

21. Депозит сертификатдан бошқа юридик шахс фойдасига воз кечиш мумкин.

22. Цессия сертификатнинг орқа томонида ёки қўшимча варақларда (иловалар) цедент ва цессионарийнинг икки томонлама битими билан расмийлаштирилади. Депозит сертификати бўйича цессия ҳар бир томондан шу каби битимларни амалга ошириш учун юридик шахс томонидан ваколат берилган икки нафар шахс томонидан имзоланади ва юридик шахсларнинг муҳрлари (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда)



билан тасдиқланади.

Воз кечиш тўғрисидаги ҳар бир шартнома цедент томонидан рақамланган бўлиши, шунингдек цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

23. Цессия амалга ошириладиган тақдирда, ушбу ҳуқуқни сотиб олаётган шахс (цессионарий) 3 (уч) кун муддат ичида депозит сертификат сотиб олинган банк филиалига ёзма мурожаат қилиши шарт. Ёзма мурожаатномада ҳуқуқни сотиб олаётган шахс (цессионарий)нинг манзили ҳамда банк реквизитлари кўрсатилиши лозим, шунингдек ушбу мурожаатномага депозит сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартнома нусхаси илова қилиниши талаб этилади.

24. Цессия сертификат муомалада бўлган даврдагина амалга оширилиши мумкин.

25. Депозит сертификати цессиясини расмийлаштиришда йўл қўйилган хатолар тузатилганда у тузатиш киритилган сана кўрсатилган ҳолда "тузатилди" ёзуви билан тасдиқланиши ҳамда цедент ва цессионарий томонидан имзоланиши ва муҳрланиши (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) шарт.

26. Цессия расмийлаштирилганда сертификат корешогига ўзгартиришлар киритилмайди.

27. Депозит сертификати бўйича депозитни талаб қилиб олиш муддати етиб келганда банк депозит сертификат сақловчисининг аризасига мувофиқ асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тўловни амалга оширади.

28. Сертификат сақловчиси томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда цессиялар мавжуд бўлса, банк цессияларнинг расмийлаштирилиши ва узлуксизлигини текширади. Бунда депозит сертификатлари бўйича - охириги цессияда қайд этилган цессионарий ваколатли шахсининг имзоси, номи ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) сертификат тўлаб берилиши ҳақидаги аризада ваколатли шахс имзоси, юридик шахснинг номи, муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) мос келмаган тақдирда, сертификат сақловчиси томонидан сертификат суммасини талаб қилиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат(лар) тақдим этилиши лозим.

Сертификат сақловчиси томонидан тақдим этилган сертификат суммаси бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат(лар) ёки унинг нусхаси банк томонидан тўлаб берилган сертификатга қўшиб тикиб қўйилади.

#### IV. СЕРТИФИКАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

29. Сертификат бўйича маблағлар юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамидан банкнинг тегишли ҳисобрақамга келиб тушган кундан бошлаб, банк депозит суммасига нисбатан йиллик фоизлар ҳисобланишини амалга оширади. Депозит сертификат учун фоиз тўловлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасини инobatга олган ҳолда қуйидагича амалга оширилади:

№	Муддатлари	Йиллик устама фоиз миқдори (%да)
1	181 кундан 365 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 3,0 %
2	366 кундан 730 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 2,0 %
3	731 кундан 1095 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 1,0 %

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган тақдирда, Банк депозит сертификати бўйича фоиз тўловларини ушбу ўзгартириш киритилгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан белгиланган тартибда ҳисоблайди ва тўлаб беради.



30. Сертификатлар бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида Низом»га (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь) мувофиқ амалга оширилади.

31. Сертификатларга фоизлар ҳар куни ҳисоблаб борилади ва ой якуни бўйича фоиз тўлови амалга оширилади. Ушбу фоиз тўловлари ой якунида сертификат сақловчисининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағига ўтказиб берилади. Сертификатлар бўйича сўндирилиш кунигача ҳисобланган фоизлар сертификат сўндирилган куннинг ўзида тўлаб берилиши шарт.

32. Цессия амалга оширилган тақдирда, ҳисобланган фоизлар ҳуқуқни сотиб олаётган шахс-цессионарий томонидан ушбу шартларнинг 23-бандида кўрсатилган тартибда расмийлаштирилган бўлса, цессионарийнинг ҳисобрақамига, акс ҳолда ўз ҳуқуқини бераётган-цедентнинг ҳисобрақамига ўтказиб берилади.

33. Ўзбекистон Республикасининг тегишли амалдаги қонунчилиги ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ўзгариши муносабати билан банк, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда, жойлаштирилмаган сертификатлар бўйича сертификатларнинг муомалада бўлиш ва сўндириш шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

## **V. СЕРТИФИКАТЛАРНИ СЎНДИРИШ ТАРТИБИ**

34. Депозит сертификат бўйича талаб қилиш ҳуқуқи сертификатда белгиланган депозитни сўндириш санаси келгандан сўнг юзага келади.

35. Депозит сертификатлар сўндириш учун банкнинг исталган филиалига тақдим этилиши мумкин. Бунда, сўндириш учун тақдим этилган сертификат эгаси томонидан банкка сертификатни сўндириш тўғрисида ариза берилади.

36. Агар сертификат бўйича депозитни олиш муддати сертификат эгасининг айби билан ўтиб кетган бўлса, бундай сертификат талаб қилиб олинадиган ҳужжат ҳисобланади ва банк мижознинг биринчи талаби биланоқ унда ёзилган асосий суммаси ва ҳисобланган фоизларни тўлаб беради. Бунда банк ўтиб кетган кунлар учун фоиз тўламайди.

37. Сертификат сақловчиси сертификатни белгиланган муддатидан олдин қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни депозитни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор (ариза тақдим) қилиши шарт. Бунда, банк ушбу сертификатлар эгасига, сертификат суммаси ва фоиз ставкалари бўйича тўловни сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик 1 (бир) фоиз миқдорида, фоизларни тўлаб беради.

38. Сертификат сўндириш муддати банкнинг айби билан кечиктирилган бўлса, кечиктирилган кунлар учун сертификатда белгиланган фоиз ставкаси миқдорида фоиз ҳисобланади.

39. Сертификатда белгиланган қайтариш муддати етиб келган, сўндиришга тақдим этилган сертификат бўйича тўловлар омонатчи томонидан ариза берилган кундан бошлаб, икки иш куни ичида банк томонидан мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамига тўлаб берилади.

40. Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганида, банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун сертификатда белгиланган фоиз ставкалари миқдорида даромад тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида 1 (бир) ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.

41. Банк томонидан қайтариб сотиб олинган сертификат сўндирилган ҳисобланади.

42. Сертификатлар бўйича ҳисобланган даромадни солиққа тортилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## VI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

43. Сертификат йўқотилганлиги аниқланганда унинг эгаси бу ҳақда 2 (икки) иш куни ичида банкнинг исталган филиалига ёзма мурожаат қилиши шарт. Ариза махсус журналда қайд қилинади, ушбу журнал саҳифалари рақамланади, тикилади ва банк муҳри билан тасдиқланади. Ариза сертификат корешоги билан бирга сақланади.

44. Аризада сертификат расмийлаштирилган сана, сертификат рақами, сертификат банкнинг қайси филиали орқали берилганлиги, сертификат кимнинг номига расмийлаштирилганлиги (юридик шахснинг номи) ва қанча миқдордалиги кўрсатилади, шунингдек Ариза берувчининг тўлиқ номи, манзилгоҳи ва банк реквизитлари акс эттирилади.

45. Ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар банк Бошқаруви ташкил этган махсус комиссия томонидан тақдим қилинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун давомида кўриб чиқилади. Шундан сўнг ариза бўйича ижобий қарор қабул қилинганидан кейин банк йўқолган сертификат дубликатини аризачига беради.

46. Агарда, ариза сертификатнинг сўндириш муддати тугагандан сўнг тақдим этилган бўлса, ушбу ариза бўйича комиссия томонидан ижобий қарор қабул қилингандан кейин банк йўқолган сертификат бўйича тўловларни 3 (уч) иш куни давомида амалга оширади.

47. Мазкур шартлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган кундан бошлаб амалиётга жорий этилади.